

Докторлик (DSc) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Тургунов Муроджон Турсунбаевич «Авесто»да инсон ҳуқуқларини ўрганишнинг методологик муаммолари	3
Тургунов Муроджон Турсунбаевич Методологические проблемы изучения прав человека в «Авесте».....	29
Turgunov Murodjon Tursunbaevich Methodological problems in the study of human rights in the «Avesta».....	53
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	58

**НИСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ** қошидаги DSc.39/30.11.2020.Yu/S.128.01 ИЛМИЙ
КЕНГАШ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТУРГУНОВ МУРОДЖОН ТУРСУНБАЕВИЧ

**«АВЕСТО»ДА НИСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ**

12.00.13 – Нисон ҳуқуқлари

Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги **Олий аттестация комиссиясида 02021.1.DSc/Vo159** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси **Ўзбекистон Республикаси Жамоат шифолиги университетида** бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус ва инглиз тилида) «ZiyoNET» онлайн ахборот тармоғида (www.ZiyoNET.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Саидов Акмал Ходматович Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жалилов Шухрат Илҳомович юридик фанлар доктори, профессор Тургунов Илҳом Тургунович юридик фанлар доктори, доцент Махмулова Гули Тилабовна фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Берлик номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази** ҳузуридаги **Илмий даражалар берувчи DSc 39/30 11.2020.Yu/S.128.01** рақамли илмий кенгашнинг 2021 «28» июль соат 15⁰⁰ дақиқасида бўлиб ўтди (Манзил: Тошкент ш. Ислоҳ Каримов кўчаси, 15-уй).

Диссертация билан **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази** Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1-рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: Тошкент ш., Ислоҳ Каримов кўчаси, 15-уй).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» июлда тарқатилди (2021 йил «13» июлдаги 1-рақамли реестр баённомаси)



M. Tillaev
М.А.Тиллабаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори, доцент

S. Ochiyev
Ў.С. Очиллов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби,
юридик фанлар номзоди, доцент

A. A. Tulyaganov
А.А. Туляганов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори,
доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсоният тараққиётининг муҳим йўналишларини, инсон, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни белгиллаган, жамиятда инсонни олий кадрият сифатида тан олган, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаган тарихий-ҳуқуқий манбалар муҳим аҳамият касб этади. Бундай тарихий-ҳуқуқий манбаларда инсоннинг том маънодаги табиати, унинг табиат ва жамият билан ўзаро муносабати, жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти, ҳуқуқий мақоми, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалари ҳамда уларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар ифодаланган. Шу сабабли, уларни илмий тадқиқ этиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг илгор ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга иштирок этган Ўзбекистон учун, кўп минг йиллик давлатчилик ва ҳуқуқи тарихи негизлари, азалий кадриятлари мужассам бўлган «Авесто» каби муҳим тарихий-ҳуқуқий манбаларни ўрганиш, инсонни олий кадрият сифатида эъзоблашга қаратилган, шахс, оила, жамият ва давлатнинг уйғун ривожланишини белгиллаган қондаларининг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш, унинг нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон халқлари учун тутган ўрнини чуқур англаш ва ён авлод оғига сингдириш долзарб масала ҳисобланади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини сўзсиз тан олиш ва таъминлаш, ҳар томонлама камол топган, юксак сиёсий-ҳуқуқий онг соҳиби, ижтимоий фаол шахсни тарбиялашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топиш ўта муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «...бундан 2700 йил муқаддам Осиё худудида яратилган энг кўхна ёзма ёдгорлик – «Авесто» китобида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро муносабатларни ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари негизида барпо этиш гоялари муҳим ўрин тутадн, зўравонлик ва адолатсизлик рад этилади»¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017), «2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2021) Фармонларида ифодаланган қондаларни амалга оширилишида, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини тан олиниши ҳамда

¹Мирзиёев Ш.М. Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ерут ва келажати фаровон бўлади Т.З. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 359-б.

таъминланишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номи устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². «Авесто»нинг диний, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий манба сифатидаги ўрни ва аҳамияти, келиб чиқиши, мазмун-моҳияти, унда қадимда яшаб ўтган халқларнинг турмуш тарзи, одатларининг ифодаланиши, оила, жамият, давлат бошқаруви масалалари, инсоннинг жамиятда тутган ўрни, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари тизими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тап олиш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги ғоялари хорижий мамлакатларнинг илмий тадқиқот марказлари ва университетлари томонидан ўрганилган. Жумладан, Гарвард, Лондон, Оксфорд (Буёк Британия), Вашингтон, Кембридж, Массачусетс, Техас (АҚШ), Бонн, Лейпциг, Мюнхен (Германия), Анкара, Истамбул (Туркия), Париж, Сорбонна (Франция), Техрон (Эрон) университетларида тадқиқ этилган.

Хусусан, «Авесто»да давлат ва жамият бошқаруви, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масалаларининг ифодаланиши мавзусида тадқиқотлар олиб борилиши натижасида қуйидаги илмий натижаларга эришилган: Гарвард, Оксфорд университетларида «Авесто»нинг диний, ҳуқуқий манба сифатида жамият ҳаётида тутган ўрни, келиб чиқиши ва тараққиёти ўрганилган; Вашингтон, Кембридж, Массачусетс, Техас университетларида «Авесто»да оила, жамият ва давлат бошқаруви масалалари тадқиқ этилган; Анкара, Истамбул, Техрон университетларида инсоннинг табиати, унинг оила, жамият ва давлатда тутган ўрни, ҳуқуқ ва эркинликлари масалалари асосланган; «Авесто»нинг зардуштийлик дини манбаи сифатида яратилиши ва тарқалиши, унинг халқлар ҳаёти учун тутган ўрни Гёте, Лейпциг, Мюнхен, Париж, Сорбон университетларида ўрганилган.

Хўширғи кунда дунёда «Авесто»нинг диний-ҳуқуқий манба сифатидаги аҳамияти, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид ғояларнинг муҳасамаланишини ўрганиш учун қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Зардуштийлик дини ва унинг муқаддас манбаи бўлган «Авесто»нинг яратилиши, тузилиши ва мазмуни; «Авесто»нинг инсонлар ва халқлар ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти; «Авесто»да ёритилган ғояларнинг амал қилиши; «Авесто» ғояларининг замонавий ҳуқуқий тизимларга таъсири.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Авесто»нинг диний, сиёсий, ҳуқуқий манба сифатида жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, вужудга

²Ушбу асрлар диссертация библиографиясида тўлиқ келтирилган.

келиши, таракқиёти, мазмун-моҳияти, таркиби ва тузилиши каби масалалар доимо тадқиқотчилар эътиборини тортиб келган.

Халқаро майдонда «Авесто» диний, тарихий, ҳуқуқий манба сифатида қадимдан юнон файласуфлари – Геродот, Аристотель, Платон, Гераклит, Демокрит, кейинчалик Ғарб олимлари – Гегель, Анкетиль Дюперрон, Х.Бартолеме, М.Бойс, Р.С.Зайнер, И.М.Стеблин-Каменский, Ж.Кэлэнс, Ж.Дюшон-Гийемэн, Х.Хунбах, Гёте, В.Б.Хенк томонидан тадқиқ қилинган.

Зардуштийликнинг вужудга келиши, Эрон ва Турон, Озарбойжон ҳудудларида давлат дини сифатида кенг тарқалганлиги, «Авесто» китоби ва унинг бўлақларининг яратилиш тарихи тарихшунос олимлар М.Бойс, Л.А.Лелеков, Е.А.Дорюшенко, Ю.Якубов, С.П.Толстов, Т.П.Снесарев асарларида ўз аксини топган.

«Авесто»ни рус тилига ўттирган олимлар И.М.Стеблин-Каменский, К.Т.Заделан, Н.С.Бриггский, И.В.Рак, В.Ю.Крюковалар асарларининг таҳлили тадқиқотимизда муҳим ўрин тутди.

Давлат мустақиллигининг ўтган йилларида Ўзбекистон халқларининг жаҳон тарихиди катта из қолдирган сиёсий-ҳуқуқий таълимотларини ўрганишга жиддий киришилди. Аниқса, эраמידан аввалги даврларда Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон ўлкасида яшаган халқларнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари, ушбу даврда мавжуд бўлган давлатчилик ҳамда сиёсий тизимнинг тажрибалари, гоёлари тарихчи, файласуф, ҳуқуқшунос тадқиқотчилар томонидан бир қадар ўрганилган.

«Авесто»ни ўрганиб, давлат ва инсон ҳуқуқлари масалаларидаги бир қатор муаммоларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилган М.Исҳоқов, Н.Жўраев, А.Қюмонов, Э.В.Ртвеладзе, Е.В.Абдуллаев, А.Отахўжаев, Қ.Содиқов, Ҳ.Ҳамидов, С.Ҳасинов, Т.Достжанов, Я.Алламов, И.Жабборов, Г.Махмудова, М.Махмудов, Т.Махмудов, А.Махкам, Ф.Сулаймонова, С.Облокулов, М.Сафарбоев, М.Насриддинов, А.Саидуллаев, Б.Абдуллаев, А.Бердимуродов, Ш.Шайдуллаев, Х.Тўраев, А.Аширов, У.Қорабоев, Д.Бобожонова, Т.Мирзаев, М.Жўраев, Х.Султонхўжаева, Ф.Жўраева, Қ.Йўлдошевнинг қадимга мансуб асарларини келтириш мумкин.

Марказий Осиё халқларининг қадимги даврга мансуб сиёсий-ҳуқуқий гоёлари ҳуқуқшунос олимлар назаридан ҳам четда қолмади. Ўлкамиз халқларининг қадимги даврларга бастовланган ҳамда давлатчилик ва инсон ҳуқуқларига оид гоёлари А.Сандов, Х.Бобоев, Ш.Жавидов, Ф.Мухитдинова, Ж.Тошқулов, О.Хусанов, А.Тулигановлар томонидан ўрганилган.

Айни дамда шунинг ҳам айтиш лозимки, «Авесто»да инсон ҳуқуқлари масалалари алоҳида тадқиқот мануси бўлмаган. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролар жамъиятини шакллантириш кўп жиҳатдан Ўзбекистон давлатчилик ва инсон ҳуқуқлари тарихи, сиёсий-ҳуқуқий таълимотларининг ўрганилиши, улардаги илғор гоёлардан олдимизда турган вазифаларини қан эътилол нечоғли маърифатли фойдаланишимизга боғлиқдир. Муаммонинг долзарблиги ва қадим отарини дароққала ҳамда тўлиқ ўрганилмаганлиги мансур диссертация мавзусини ташлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети илмий тадқиқот ишларининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Авесто»да инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ифодаланиши, жамият ҳаётида қўлланилиши масалаларини юридик нуқтан назардан таҳлил асосида тегишли таклиф-таъсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Авесто»нинг ижтимоий, тарихий, ҳуқуқий фанлар соҳаларида ўрганилишининг историографиясини ёритиш;

қадимги Ўзбекистон ҳудудида инсон ҳуқуқлари тарихини ўрганишга бўлган цивилизациявий ёндашувининг тушунчаси, мазмуни-моҳиятини тадқиқ этиш;

қадимги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тараққиёти босқичлари, унинг дивергентлик ва ҳуқуқ билан боғлиқлигини таҳлил этиш;

«Авесто»нинг яратилиши ва тарқалишини, бу борада амал қилган назардорлар ва уларнинг мазмуни-моҳиятини тадқиқ этиш;

«Авесто»нинг ҳуқуқ манбаи сифатидаги умумий тавсифи, жамият ҳаёти учун аҳамияти ва тутган ўрнини илмий таҳлил этиш;

«Авесто»нинг тузилиши, таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро нисбати масалаларини илмий ўрганиш;

«Авесто»да никоҳ институтининг ифодаланиши, тушунчаси ва моҳиятини илмий тадқиқ этиш;

«Авесто»нинг зардуштийлик оиласида эр ва хотиннинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи муҳим ҳуқуқий манба сифатидаги ўрни ва аҳамиятини ёритиш;

«Авесто»да болалар ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш масалаларининг ифодаланишини тадқиқ этиш;

«Авесто» гоёларида оилавий муносабатлар, ота-она ва болаларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг ифодаланиши масалаларини илмий таҳлил этиш;

710 йилга сўғд оила шартномасига асосан «Авесто»да оила ҳуқуқи нормаларининг рецепцияси масалаларини ўрганиш;

инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг вужудга келиш асосларини «Авесто»да ақс этиши масалаларини илмий тадқиқ этиш;

«Авесто»да инсоннинг мулкдор бўлиш ҳуқуқининг ифодаланиши ва мулквий ҳуқуқлари масалалари, жамиятда мулкнинг ҳуқуқий мақомини очиб бериш;

шартнома ҳуқуқи тушунчаси, шартлари ва турларининг «Авесто»да ифодаланиши масалаларини илмий таҳлил этиш;

зардуштийлик таълимотида солиқ тушунчаси ва ҳуқуқининг намоён бўлиши, солиқ турлари ва уни йиғиш масалаларини илмий ўрганиш;

«Авесто»да дин ва инсоннинг диний эътиқод ҳуқуқига бўлган таъжовузларга қарши кураш масалаларини илмий тадқиқ этиш;

инсоннинг ҳаёти, шахси ва соғлиғига қарши жиноятлар тушунчаси ва турлари масалаларининг «Авесто»да ифодаланиши ва амал қилишини илмий ўрганиш;

«Авесто»да жониворларга қарши жиноятлар тушунчаси, белгилари, турлари, уларга қўлланилган жазо чоралари масалаларини илмий таҳлил этиш;

«Авесто»да кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва одоб-ахлоққа қарши жиноятлар, уларнинг тушунчаси, турлари ҳамда уларга нисбатан қўлланилган жазо чораларини тадқиқ этиш;

атроф-муҳит ва табиат кучларига қарши жиноятлар тушунчаси, турлари, қўлланилган жазо чоралари масалаларининг «Авесто»да ифодаланишини ўрганиш;

қибсий-ҳуқуқий таҳлил асосида «Авесто»да ифодаланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари туғрисидаги гоялар талқини юзасидан тақлиф-таъсиялар шакллантириш.

Тадқиқотнинг объектини Марказий Осиё халқларининг турмуш тарзини белгидаган «Авесто»нинг вужудга келиши, таракқиёти, мазмун-моҳияти ва амал қилиши борасида яритилган тарихий-ҳуқуқий манбалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети «Авесто»да акс этган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид гоялар ва уларнинг амалга оширилиши масалалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацида анализ ва синтез, дедукция ва индукция, тарихийлик, мантиқийлик, қибсий-ҳуқуқий каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий инновация куйидагилардан иборат:

жамиyat ва давлат болашиги шахси, уй-жойи дахлсизлиги, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлаши, болаши аҳолиуватини ва тўравонликнинг барча шаклларида, шу жумладан жисмоний, рухий ва жинсий зўравонликдан, қийноқларга солинидан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муносабатдан ҳимоят қилиши асосланган;

бола ҳуқуқларини таъминлашга маъсул бўлган шахсларнинг жавобгарлигини ошириш, уларнинг бола ҳуқуқларига суфусиз риоя этишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ракурсида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланиши, ота-она ёки ота-онанинг ўринли босувчи шахслар болага таълимлот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбурийларини бажариши асосланган асослаб берилган;

вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари олдидан ҳокимият органлари ёки уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиши мумкинлиги, вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш мажбурийлиги

асослангнрилган;

аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ва таъминлашда аҳоли ўртасида ҳуқуқий оид ва ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳимлиги асосланган;

жиёмоний ва юридик шахслар болалар ҳамда улар қонуний вақиларининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мувожаатларини кўриб чиқили кафолатларини таъминлаш муқаррарлиги асослангнриб берилган;

«Авесто»да илгари сурилган инсон ҳуқуқлари, тараққиёти, босқичлари, инсон ва фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, инсонпарварлик, адолатпарварлик ғоялари зардуштийликнинг бош ғоясини ташкил этиши «Авесто»ни ўрганишининг методологияси сифатида намоён бўлиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагиларда кўринади:

Зардуштийлик дини ва унинг муқаддас манбаи бўлган «Авесто»нинг вужудга келиши, тарихий тараққиёти, унинг Ўзбекистон давлатчилиги ва ҳуқуқи тараққиётида тутган ўрнини англаш, «Авесто»да инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид ғояларни тадқиқ этишга, методологик асосларини кенгайтириш ва бойитишга хизмат қилади.

«Авесто»да инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ифодаланиши тўғрисидаги ғояларни илмий таҳлил этиш натижасида чиқарилган хулосалар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тараққиётини чуқур ўрганишга, унда «Авесто» ғояларининг тутган ўрнини аниқлашга имкон беради.

Қадимги даврда зардуштийлик динида илгари сурилган ва бугунги кун учун ҳам долзарб бўлган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тарихий таҳлил қилиш ҳуқуқий таълимотлар тарихини англашга, Ўзбекистонда демократик институтлар чуқур илдизга эгаллигини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими тарихан шаклланганлигини исботлашга хизмат қилади.

«Авесто»да муқтаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги ғояларни ўрганиш юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбиялашга, ёшларда ватанпарварлик, ўз юрти тарихидан фахрланиш туйғусини шакллантиришга, уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганига, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этаётган муқтақил Ўзбекистоннинг олий мақсадларига муқтаҳкам ишонч ҳосил қилишга кўмаклашади.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги. Тадқиқот ишининг ҳар бир боби охирида, шунингдек диссертация ишининг якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар инсон ҳуқуқлари умумий назарияси, давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанларида манжуд назарий қарашларни таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Хулосалар муаллифнинг тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид қарашлари, тақлиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг вақолатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот ишидаги тақлиф-тавсиялар инсон ҳуқуқлари умумий назарияси, давлат ва

ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанларидаги концептуал муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг ечимини топиш зарурати билан боғлиқ ҳолда шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолликда, инсон ҳуқуқлари умумий назарияси, давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида инсон ҳуқуқларининг вужудга келиши, тараққиёти ва ҳуқуқий кафолати билан боғлиқ мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан олий таълим муассасалари талабалари ва магистрларига таълим-тарбия беришда, уларнинг маънавий-тарихий дунёқарашини шакллантиришда, инсон ҳуқуқлари тарихига оид билимларни чуқурлаштиришда, янгиланаётган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид қонунийликни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

«Авесто»да инсон ҳуқуқларини ўрганишнинг методологик муаммоларини бўйича олинган натижалар асосида:

давлат ва унинг органлари томонидан бола ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш билан боғлиқ таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонуни ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2021 йил 29 апрелдаги 05/1-02-84а-сон даволатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш Ўзбекистонда давлат ва унинг органлари томонидан бола ҳуқуқларини кафолатли таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

бола ҳуқуқларини таъминлашга масъул бўлган шахсларнинг жавобгарлигини ошириш, уларнинг бола ҳуқуқларига сўзсиз риоя этишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш билан боғлиқ таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2021 йил 29 апрелдаги 05/1-02-84а-сон даволатномаси). Ушбу натижалардан фойдаланиш Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқларини талаб қила олиншлари, уларнинг мурожаати давлат органлари томонидан мажбурий кўриб чиқилишига оид

тақлифлар Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда илобатга олишган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик инетитутлар, илодат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари кўмитасининг 2021 йил 29 апрелдаги 05/1-02-84а-сон далолатномаси). Натижалардан фойдаланиш далолат ва жамоат органиларига муурожаат этиш асосида бола ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга кўмаклашнинг бўйича тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 майдаги «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4736-сон Қарорининг 2-банди учинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) ўринбосарининг 2021 йил 12 майдаги 02-07/361-сон далолатномаси). Мазкур натижалардан фойдаланиш аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жисмоний ва юридик шахслар, болалар ҳамда улар қонуний вакилларининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш кафолатларини таъминлашга оид тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 майдаги «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4736-сон Қарорининг 2-банди тўртинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) ўринбосарининг 2021 йил 12 майдаги 02-07/361-сон далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш жисмоний ва юридик шахслар, болалар ҳамда улар қонуний вакилларининг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги муурожаатларини кўриб чиқиш кафолатларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

«Авесто»да инсон ҳуқуқларининг ифодаланиши, тараққиёти, босқичлари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари тўғрисидаги хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан вазирлик олий ва ўрта махсус таълим муассасалари учун тавсия қилинган ўзбек ва рус тилидаги «Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси» (2012), «Общая теория прав человека» (2012), «Inson huquqlari umumiy nazariyasi» (2012), Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик. Маърузалар курси (2012), «Халқаро ҳуқуқ. Маърузалар курси» (2012), «Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси» (2020) дарсликларининг тизини боқларида ўз аксини топган. Илмий натижалардан фойдаланиш инсон ҳуқуқлари тарихи ва тараққиёти босқичларини ўрганишнинг методологик асосларини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг натижалари «Scientific ideas of young scientists / International scientific and practical conferences» (Poland, 2020); «Янги Ўзбекистонда конституционализмни мустаҳкамлаш масалалари: миллий ва хорижий тажриба» (Тошкент, 2021); «Миллий гвардия органлари томонидан терговга қадар текширув ва суръатлаштирувни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари» (Тошкент, 2021); «Конституция – инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати» (Тошкент, 2021) мақолаларида халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда сўзидан ўтказилиб, маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 2 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (10 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 251 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаштирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотдан кўзланган мақсад ва бажарилган вазифалар, объект ва предмети белгиланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, унинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг биринчи боби «Ўзбекистоннинг қадимги давлати ва инсон ҳуқуқлари тарихини ўрганишнинг методологияси ва историографияси» деб номланиб, унда «Авесто»ни ўрганишнинг историографияси, қадимий Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тарихини ўрганишга цивилизациявий ёндашув, қадимги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тараққиёти босқичлари таҳлил этилган.

Тадқиқотчининг фикрича, «Авесто»нинг ғардуштилийк дини ва эътиқоди, инсонларнинг турмуш тарихини белгиловчи мишба сифатида жамият ҳаётида тутган ўрин ва аҳамияти, нуқадга келиши, тараққиёти, мазмун-моҳияти, ундаги маънавий, маданий, эстетик ва ҳуқуқий тоғлар ҳар доим тадқиқотчиларни ўнга жабб этиб келган. Диссертацияда қадимги юнон-рим файласуфлари, ўрта асрлар Шарқ ва Ғарб мутифаккирлари ҳамда тадқиқотчиларининг «Авесто» юзидан ўтказган тадқиқотлари бағавсил

илмий таҳлил этилган. «Авесто»ни илмий тадқиқ этиш Ўзбекистонда муस्ताқилликдан сўнг янги босқичга кўтарилгани қайд этилади.

«Авесто» – зардуштийлик дини ва таълимотининг манбаи бўлиб, у узок вақт давомида шу ўлкада яшаб келган халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва маънавий ҳаётини белгилаб берган. Худди шунинг учун ҳам мазкур нодир манбани ўрганиш, унинг гоёларини илмий таҳлил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари ҳодисаси ҳар доим давлатчилик ва ҳуқуқ масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тақозо этади, ўзаро таъсир кўрсатади. Муаллиф таъкидлаганидек, давлатнинг тарихий илдизларини, у қандай шароитларда пайдо бўлганигини, ривожланиши ва замонавий воқеликда қандай мазмун касб этганигини билмасдан туриб, цивилизация ҳодисаси сифатида давлат ва ҳуқуқни, худди шунингдек инсон ҳуқуқларини илмий тушуниш мумкин эмас.

Диссертант Ўзбекистон ҳудудидаги цивилизация жариёлари тарихини ўрганиш исебатан яқиндан боилаштиришнинг, яқин нақтларгача устулик қилган методология тарихини ушуксаз енифий кураш ва ижтимоий можиролар жараёни сифатида таққи қилиб келгашлигини, бу билан ижтимоий консенсус, биринк, муросаги бориш инкор этилганини таъкидлайди. Шу сабабли, тарихга исебатан айнан цивилизациявий ёдашши, *бир томондан*, «енифий ёлашши»дан, *иккинчи томондан*, миллий ўзинга бини қўвишдан қали бўлган миллий гоёни ривожлантиришга қадирлир, чунки цивилизация – қатто ўзининг маҳаллий шаклларида ҳам моҳиятига қўра умумбашарий воқелик, деб ҳисоблайди.

Диссертацияда қадимги Ўзбекистон цивилизацияси нафақат ўзбек халқининг аждодлари, балки Марказий Осиёнинг бошқа халқлари аждодлари томонидан яратилганлиги, Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Юнонистон ва Буюк Даштининг қадимги халқлари ҳам унга ўз ҳиссаларини қўшганликлари, қирғон йўллари ёқсида жойлашган Ўзбекистоннинг қадимги давлатчилиги ташиқридан бўлидиган таъсирга учраганлиги, ўзи ҳам қўшни худудларга таъсир этганлиги тўғрисида асосли хулоса қилинган.

Диссертацияда милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми ва эринининг IV асри ораллиғида Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ва инсон ҳуқуқлари тараккиёти босқичлари, уларнинг ўзинга хоё хусусиятлари таҳлил этилган. Муаллиф қайд этадики, инсон ҳуқуқлари тарихининг *биринчи босқичини* – милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми – Ўзбекистон жанубда эмбрионал шаклда давлатга ўхшаш тузилманинг қарор топини ташиқил этган. Милоддан олдинги I минг йилликнинг боши – милоддан аввалги 539 йил – Бактрия, Сўғд, Хоразм тарихий-маданий вилоятларининг шаклланиши инсон ҳуқуқлари тараккиётининг *иккинчи босқичини*; милоддан аввалги 539 йил – милоддан аввалги 330 йил – Аҳмонийлар босқини ва Марказий Осиёнинг Аҳмонийлар давлати таркибига кириши сабабли келиб чиққан маҳаллий давлатчилик ривожланишидаги тапаффуё даври – инсон ҳуқуқлари тараккиётининг *учинчи босқичини*; милоддан аввалги тўртинчи аср охири милоддан аввалги иккинчи асрнинг

иккинчи ярми боши – Александр Македонский босиб олгандан бошлаб эллинлар сиёсий ҳукмронлиги охиригача (Юнон-Бақтрия подшолигининг кулаши) бўлган давр – инсон ҳуқуқлари тараққиётининг *тўртинчи босқичини*; миллоддан аввалги иккинчи асрнинг иккинчи ярми – янги эрanning биринчи асри боши – маҳаллий давлатлар: Қанг, Хоразм подшолиги, Бухоро, Сўғд, Довон мустақкамланиши ва янада ривожланишига, Юэчжи давлатининг қарор топиши ва унинг ҳокимиятининг Гандхарига қадар ёйилишини ўз ичига олган давр – инсон ҳуқуқлари тараққиётининг *бешинчи босқичини*; янги эрanning I аср боши – янги эрanning III асри биринчи ярми – қадимги даврда маҳаллий давлатчиликнинг равиқ топилиши, Ўзбекистон жанубининг конфедератив Юэчжи давлати асосида пайдо бўлган қудратли Кушон империяси таркибига кириши дигари – инсон ҳуқуқлари тараққиётининг *олтинчи босқичини* ташкил этган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Авесто» инсон ҳуқуқлари тарихининг **муҳим юридик ёдгорлиги**» деб номланиб, мазкур бобда қадимги Хоразм «Авесто»нинг ватани сифатида, «Авесто»нинг ҳуқуқ манбаи сифатидаги умумий таъсифи, «Авесто»нинг тузилиши ва таркибий қисмларининг ўзаро нисбати масалалари ўрганилган.

Тадқиқот ишида «Авесто»нинг яратилган, амал қилган жойи, мавзини тўғрисидаги ёндашувлар таҳлил этилган. Муаллифнинг фикрича, ҳиндустани олимлар орасида мазкур масалаларда ягона ёндашув мавжуд эмас. Акенича, бир гуруҳ олимлар бу муқаддас китобнинг дастлабки нуسخаси қадимги Бақтрия ёки Мидия ҳудудида ёзилганлигини, иккинчи гуруҳ олимлар, қадимги Хоразмда яратилганлигини, учинчи гуруҳ олимлар эса оташпарастилар пайгамбари Сипийтмон Зардушт туғилган ҳудудда пайдо бўлганлиги тўғрисидаги фикрларни илгари сурганлар. Шу билан бирга, ишда «Авесто»нинг яратилиши тўғрисидаги «ғарб» ва «шарқ» назариялари мазмунан ўрганилган.

Муаллиф олимлар томонидан илгари сурилган гоёларни таҳлил этиш, тарихий, археологик манбаларни ўрганиш асосида «Сипийтмон Зардушт яратган диний таълимот ва эгулик китоби «Авесто»нинг Ватани жонажон Ватанимиз Ўзбекистон ҳудуди бўлган Хоразмдир», – деган хулосага келган.

Диссертацияда «Авесто»нинг ҳуқуқ манбаи сифатида жамият ва инсон ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти таҳлил этилган. Муаллиф «Авесто»да ҳуқуққа оид муҳим қондилар ўз ифодасини топганини, ўша давр хусусияти, ижтимоий муносабатлар тараққиётини эҳтиёжи асосида ҳуқуқий нормалар шаклланишини кўрсатиб бериш.

«Авесто»нинг ҳуқуқ манбаи сифатидаги таҳлили шундан далолат берадики, унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид нормалар билан бир қаторда, жамият ҳуқуқ тизимини ташкил этувчи давлат, фуқаролик, оила, меҳнат, экология, солиқ, жиноят, процессуал ҳуқуқ каби бошқа ҳуқуқ соҳалари қондалари ўзини хос тарада ифода қилган. «Авесто» қондалари инсон ва жамият ҳаётининг кичик ва кичик нуқталаригача тартибга солиб туриши билан фарқланади. Диссертантнинг таъкидлашича, «Авесто» қондалари инсон ва жамият ҳаётида беаъму-кўст таъбиқ этилган. Бунинг

чун, ўша давр учун мукаммал бўлган ҳуқуқий қоидаларни амалга ошириш механизмлари яратилган.

Диссертацияда «Авесто»нинг таркибий тузилиши, унинг таркибий қисмларининг ўзаро нисбати илмий таҳлил этилган. Муаллиф фикрича, «Авесто» тузилиш жиҳатдан мураккаб бўлиб, улар ички бир-бири билан боғланган қисмлардан иборат. «Авесто»нинг кўп қисмлари бизгача етиб келмаган. «Авесто»нинг бизгача етиб келган қисмларида саксон уч минг сўз бор. Бу қисмлар Ясна, Яшт, Виспард, Вандидод деб номланади. Ясна таркибига кирган кўшиқлар «гат» деб аталади. Гатлар «Авесто»нинг энг қадимий қисми ҳисобланади. Яснанинг ҳар бир парчасини ҳо ва хот дейилади. «Гат»лар ўн етти хот ва етмиш икки ҳодан иборат. Хот бир неча баъддан ташкил топган. Вазн, шеърӣ шакллари жиҳатидан улар беш дастага бўлинади, ҳар даста гат деб аталган.

Тадқиқотнинг учинчи боби «Зардуштийликда аёллар ва болалар ҳуқуқларининг инфодаланиши» деб номланган бўлиб, унда «Авесто» ўйинча никоҳ институтининг инфодаланиши, тушунчаси ва моҳияти, «Авесто» оилада эр ва хотиннинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи муҳим ҳуқуқий манба экани, «Авесто»да болалар ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш масалаларининг инфодаланиши, оилавий муносабатлар, ота-она ва болаларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг белгиланиши, «Авесто»да оила ҳуқуқи нормаларининг реңепиеси (710 йилги сўгд оила шартномасига асосан) илмий таҳлил этилган.

Диссертнинг фикрича, «Авесто» даври оила-никоҳ, аёллар ва болалар ҳуқуқлари, оилавий муносабатларнинг бекаму-кўст тартибга солинганлиги билан фаровонлиқ туради. Оила уруғчилик тузумининг шаклланишида асосий ўрин эгаллаган ва ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий объектларидан бири ҳисобланган. У даврда катта, ажралмаган оила кенг тарқалган. Қадимий патриархал оилалар, асосан, бир неча авлоддан ташкил топган қариндошлар бирликсиз сифатида никоҳи бўлган. Оилаларда никоҳ тузиш, уни бекор қилиш, оила аъзолари ўртасидаги мулкӣ ва номулкий муносабатлар баърттиб амалга оширилган. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар зардуштийлик ҳуқуқининг асосий объектларидан бири ҳисобланган. Зардуштийлик ҳуқуқ манбалари орасида никоҳ ва оила масалаларини тартибга солишда Авесто таъки ўрини эгаллаган.

«Авесто» оилага жамиятнинг асосий бўғини сифатида катта аҳамият берган, жамият мавжудлиги ва фаровонлиги, ижтимоий алоқаларнинг мустиҳкамланиши, ёмонликка қарши кураш, инсон наслининг давом этиши, «Авесто» жамиятининг яшовчанлиги, диннинг ворислиги ва тарқалиши унинг мустиҳкамлигига боғлиқ бўлган. Муаллиф фикрича, никоҳ институти «Авесто» жамиятида умуминсоний қадриятларни ўида мужассамлаштирган ҳуқуқий институт бўлиб, унда барча элатлар учун зарур қоидалар ўз инфодаланиши топган.

Тадқиқот ишида жамиятда, оилада аёлнинг эрлар билан тенг ҳуқуқли бўлиши, оила бутунлигини сақлаш, никоҳ тартиблари, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбурияти, никоҳни бекор қилиш сабаб ва шартлари илмий таҳлил этилган.

Зардуштийликда ота-она қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор бериши, ҳар бир ота-она ўз қизини балагат ёшига (15 ёшга) етгунча замонасининг барча ҳунарларини билишни, мол боқишу рўзгор тутишни мукамал ўргатиши, эътиқолда – босиқ, ахлоқда – покиза қилиб тарбиялаши зарурлиги белгиланган.

Зардуштийлик никоҳда бўлган эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини батафсил белгилаб берган. Унда эр ва хотин ҳалол кун кечириши, ўзаро бир-бирига нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлиши, муқаддас эр-хотинлиқни хурсандлик ва хушбахтлик билан ўтказиш тарғиб қилинган. Никоҳ никоҳланувчиларининг розилиги билан тузилган. Мажбурий никоҳ тузишга йўл қўйилмаган. Уйланишга никоҳияти бўлмаган ёш йигит-қизнинг никоҳ тузишга ёрдам бериш ёқланган. Аксинча, эр-хотиннинг бир-бирига ҳиёлати қораланган. Никоҳ шартнома асосида тузилиб, шартнома шартлари бажарилиши қаттиқ назорат қилинган. Никоҳ шартномасида эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил кўрсатилган бўлиб, у одатда муайян муддатга тузилган. Ушбу муддат тамом бўлганидан кейин, у эр-хотинларнинг розилиги ва қарорига кўра янгидан тузилиши.

Шу билан бирга, зардуштийлик ҳуқуқида аёллар эмансипациясининг айрим элементлари мавжуд бўлиб, аёл киши шахсий мулкка эга бўлиши, ундан хайрия мақсадларида мустақил фойдаланиши мумкин бўлган. Шунингдек, мустақил равишда даъвогар бўлиши ва гувоҳ тариқасида кўрсатма бериши мумкин бўлган.

«Авесто»нинг диний, ҳуқуқий ва ахлоқий манба сифатида вужудга келиши «Авесто»гача бўлган даврда мавжуд бўлган эрнинг хотинига бўлган чексиз ҳокимиятига, ўзбошимчалигини чеклашга хизмат қилган. «Авесто» ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг манбаи сифатида ўз даврида шаклланган жамиятдаги бошбошдоқликларга барҳам беришга ҳаракат қилган. Бу йўналишда, биринчи навбатда, эрнинг хотинга нисбатан ўзбошимчалигини чеклаш зарур эди. Зардушт буюқ қонуншунос сифатида ислохотларни оиладан бошлаш кераклигини, оилани ислоҳ қилмай, жамиятни ислоҳ қилиш ҳеч бир натижа бермаслигини тушуниб етган. Эркин жамият ва адолатли жамият, давлатга фақат эркин оила ва адолатли оилавий муносабатлар орқали эришиш мумкин. «Авесто»да эрнинг хотинга нисбатан адолатсиз муносабатларини чекловчи нормалар мавжуд бўлган. Зардуштнинг қувви Жамосп ҳам ўзининг тарихий нутқида зардуштийлик дини адолатли дин эканлиги, мазкур динда эркак ва аёллар тенг ҳуқуққа эга экани, фақат Худо ва ҳукмдорларга бўйсунуш лозимлигини уқтириб ўтган.

Диссертацияда ота-оналарнинг ўз болаларига нисбатан энг муҳим мажбуриятларидан бири уларга таълим бериш мажбурияти, айниқса, қиз болалар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор бериш лозимлиги, эрнинг оиладаги мажбуриятларидан бири нафақат болаларни ўқитиши, балки ўз хотинига ҳам таълим бериши зарурлиги, ота-она болаларни боқиш ва таълим-тарбия бериш зардуштийлик ҳуқуқининг негизини ташкил этиши асослаб берилган.

Вояга етмаган болаларни ота-оналаридан олиб кетиш, васийсиз қолдириш оғир жиноят сифатида қаралган. Болаларни жуда ёшлигидан фанларга ўқитиш тавсия этилган. Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму фанини ўрганишга жиддийроқ киришганлар. Зеро, улар ота-она хонадонларида бўлган вақтларида ота рўзгорни тартибга солиб, зийнатбериб борсалар, жуфти-ҳалоли манзилига боргач, келажак насл тарбияси ва таълим билан машғул бўлмоқлари лозим бўлган.

Зардуштийлик таълимотида илм-маърифатнинг кучига каттиқ эътиқод қилинган ва жамият ҳаётида ҳам оқибат натижада илму-ҳикмат ютиб чиқади, деб ҳисобланган. «Авесто»да белгиланганидек, қадимги аждодларимиз болаларнинг фақат бепуқсон туғилишига ва чақалоқлигидан жисмоний тарбиясига жиддий эътибор берибгина қолмасдан, шунингдек уларнинг ақлан етук бўлишига, яъни илмли бўлишига, ҳикмат ўрганишига, маънавий соф бўлишига, яхшилик ва эзгулик ҳислатларини эгаллашларига ҳам бевосита ғамхўрлик қилинган. Умуман олганда, болаларда ахлоқий, ақлий, жисмоний, жинсий ҳислатларини, меҳнатсевирлик, инбилармонлик, ваташпарварлик, роғатўйлик, соҳийлик фазилатларини тарбиялашга жиддий эътибор берилган. Бундан мақсад, болаларни жанговар ҳарб ва меҳнатсевирликка тайёрлашдан, жисмонини забардаст қилиб, меҳнатда чиқаришидан иборат бўлган. Ўғил болаларга кураш тушиш, отга сувиқ солиш, уни эгарлаш, мол боқиш, урчатиш ва тугдириш, туя-отларни парваришлаш, уларни бошқара олиш, яйловларда сурувни ўтлатиш, чорвани йирткич ҳайвонлар ва қароқчилардан муҳофаза қилиш учун 50 дан зиёд ҳарбий қурошни ишлата билиш малакасини эгаллаш мажбурий бўлган. Уларга яна чақандошлик ва ўттиз икки хил ҳарбий хунар ўргатилган.

Тадқиқот ишида Муғ тоғида топилган архив ҳужжатлари таҳлил қилинган. Унда архив ҳужжатлари асосида тадқиқотчи «Авесто» ва зардуштийлик аъёнаси билан боғлиқ бир қатор никоҳ-оила элементларини очиб берган. Ўзбекистон ҳудудида никоҳ араблар босқинига қадар ёзма шаклда тузилган. Исломгача бўлган даврда никоҳ шартномаси «Авесто»да кўпда тутилган бешинчи гуруҳ қасами «одам қасами» шаклида бўлган. Никоҳ шартномаси субъектларнинг икки гуруҳини кўзда тутган: 1) бевосита субъектлар ва 2) билвосита субъектлар. Сўгд никоҳ шартномаси бўйича биринчи гуруҳ субъектларига куёв, келин, келиннинг васийси кирган. Иккинчи гуруҳ субъектларини эса, куёвнинг бевосита қариндошлари ва келин васийсининг қариндошлари ташкил қилган.

Муғ тоғидан топилган никоҳ шартномаси ҳужжатининг муҳим жиҳатларидан бири эр-хотин мулкнинг ҳуқуқий ҳолати ҳисобланади. Мазкур ҳужжатга кўра, эр-хотин мулки икки турга бўлинган: умумий мулк ва алоҳида ҳар бирининг мулки.

Диссертация ишининг зардуштийликда «Авесто»да инсон ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларининг ифодаланиши» деб номланувчи тўртинчи бобда инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва муомала эъқолати вужудга келиш асосларининг «Авесто»да мужассамлашгани; «Авесто»да инсонлар мулкдор бўлиш ҳуқуқининг ифодаланиши ва мулкний ҳуқуқлари; шартнома ҳуқуқи

тушунчаси, шартлари ва турларининг «Авесто»да ифодаланиши; зардуштийлик таълимотида солиқ тушунчаси ва ҳуқуқининг намоён бўлиши таҳлил этилган.

Диссертацияда «Авесто» ёзма ҳуқуқ манбаи сифатида қадимда мавжуд бўлган давлатлардаги ижтимоий муносабатларни тартибга солганлиги, унда ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга бўлган нормалар ҳам ингитирик этгани таъкидланган. Ҳар қандай жамиятда вужудга келадиган мулкний муносабатлар ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб, мулкний муносабатлар, энг аввало, фуқаролик ҳуқуқи билан узвий боғлиқ. Мулкний муносабатлар замирида моддий бойликларнинг хилма-хил турлари, хусусан, ашёлар, ишлар ва бошқа мол-мулклар билан боғлиқ вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ётган. Шу нуқтан назардан «Авесто» ва зардуштийлик ҳуқуқининг кейинги тараққиёти фуқаролик ҳуқуқи тояларини, фуқаролик ҳуқуқининг турли институтларига тегиши (мулк, шартнома, даъво каби) фуқаролик ҳуқуқи нормаларини ўзида мужассам этган.

Мулк-солиқ ҳуқуқи институтлари «Авесто»да муҳим ва батафсил ишлаб чиқилган институтлардан бири ҳисобланган. Фуқаролик ҳуқуқини ҳуқуқ ва муомала лаёқати фарқланган. Унда зардуштийларнинг Узаро муносабатлари ва бошқа дин вакиллари билан бўладиган мулкний ва шаклий мулкний муносабатлар мустаҳкамланган. «Авесто» ва зардуштийлик «фуқаролик» ҳуқуқий нормалар диний-ахлоқий нормалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган.

Зардуштийлик ҳуқуқи кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ҳимоя қилибгина қолмасдан, иқтисодий тузумнинг барқарор ривожланиши учун мулк эгаларига маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни юклаган.

Диссертацияда Зардуштийлик ҳуқуқини муомала лаёқати, яъни ўзининг қонуний хатти-ҳаракатлари билан ҳуқуқ, эркинликлар ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати илмий таҳлил этилган. Зардуштийликда муомала лаёқати 15 ёшдан бошланиши, ҳуқуқ лаёқати эса, ҳомиллага тегишли бўлиши белгиланган. Зардуштийликда муомала лаёқати белбоғ боғлаш удуми билан боғлиқ бўлиб, у махсус дуо ўқиш билан бошланган.

Диссертантнинг таъкидлашича, зардуштийлик ҳуқуқининг кўп сонли ҳуқуқий нормалари эзгу ниятли ва адолатли мулк эгаларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Зардуштийлик ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда мулк ҳуқуқи ҳуқуқий ва қонуний асосга эга бўлгандагина ҳар томонлама тан олинган ва ҳимоя қилинган. Мазкур ҳолат зардуштийлик таълимотининг сиёсий- ҳуқуқий асосини ташкил этган.

Диссертацияда фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши таҳлил этилган. Шартнома ҳуқуқий муносабатларни белгилаган, ўзгартирган ёки бекор қилган. Шу билан бирга, ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солган. Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаган. Шартнома билан вужудга келтирилган ҳуқуқий муносабат давомида шартнома

тарафларнинг хатти-ҳаракатлари қанчалик қонунга мувофиқ бўлган-бўлмаганини ҳам текшириш имконини берган.

Шартнома шартларининг бузилиши тегишли тарзда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни юзага келтирган. Мазкур жавобгарлик турлари «Авесто»да ўз аксини топган. Унда қасам турлари, қасамни бузиш ҳоллари, қасамни бузишдан келиб чиқадиган жавобгарлик мужассамланган. Муаллифнинг фикрича, бу ҳолатлар «Авесто»да фуқаролик-ҳуқуқий нормаларда шартнома институти батафсил ишлаб чиқилганидан далолат беради.

«Авесто»да солиқ муносабатларини тартибга солувчи бевосита ҳуқуқ нормалари кўзда тутилмаган бўлса-да, аммо ибодатхона қаровсиз, боқувчисиз ва етимлар учун керак бўладиган ҳаракатларни маблағ билан таъминлаш лозимлиги тўғрисида нормалар мавжуд бўлганигига гувоҳ бўламиз. Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Солиқларни ҳалдан зиёд кучайтириш турли ташвиш-тарожлиқни келтириб чиқаради, дунмандорнинг боийинига ҳақикат қилиди, оқибатда давлат иқтирозга учирайди»³.

Маъналарда кўрсатилишича, «Авесто» жамиятида ўзига тўқ инсонлар доимо хайри-худоий қилиниб, ўз улушларидан бева-бечараларга улашиб туриши лозим бўлган. Диссертатининг фикрича, мазкур ҳолатлар у даврларда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниб, ҳозирда солиқ, деб аталаётган тизимга мос келади.

Диссертациянинг бешинчи боби «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда жавобгарлик институтининг тугган ўрни ва аҳамияти» деб номланиб, унда «Авесто»да дин ва инсоннинг диний эътиқодга бўлган таъжовуларга қарши қурани масъалари, инсоннинг ҳаёти, шахси ва соғлиғига қарши жиноятлар тушунчаси ва турлари, жониворларга қарши жиноятлар тушунчаси ва уларнинг белгилари, «Авесто»да кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва одоб-ахлоққа қарши жиноятларнинг ифодаланиши, атроф-муҳит ва табиат кучларига қарши жиноятлар тушунчаси ва турлари илмий таҳлил этилган.

Диссертант «Авесто»даги жиноят ҳуқуқини шартли равишда қуйидагича таснифлаган: а) динга қарши жиноятлар: яқка илоҳни тан олмаслик, мўъба – қохнинг ҳақоратлаш, ўзга диндагилар билан никоҳга киришиш, диний маънабни суинистёмол қилиш; б) инсониятга қарши жиноятлар: уруш очиш, инсонга таъжовуз қилиш, баданга шикаст етказиш, ҳомилалар аёлга шикаст етказиш, ҳомилани тушириш; в) уй ҳайвонлари, жониворларга қарши жиноятлар: асосан итларга турли-туман шикаст етказиш; г) ахлоқ-одобга қарши жиноятлар: фоҳишабозлик, зино, зўрланч, хиёнат, эр-хотинларнинг хиёнати, қасддан оила қурмай юриш, никоҳ қондаларини бузиш; д) табиатга қарши жиноятлар: ер, сув, ҳаво ва оловни ифлослаштириш, уларни асраб-авайлаш қондаларини бузиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини бузиш, атроф-муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш қондаларини риоя этмаслик, уларни

³ Ш.М.Мирзиёев. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти еруш ва келажак фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. 67-б.

бесабаб кесиш, экин-тикин ерларига қарамаслик ва ҳоказо.

«Авесто»да диний эътиқод ва унинг муҳофазасига жиддий эътибор қаратилган. «Авесто»да диний муносабатларга тажовуз қилиш қаттиқ қораланади.

Диссертант зардуштийлик дини ижтимоий тараққиёт тарихида яққахудоликни тарғиб этувчи биринчи таълимот бўлибгина қолмай, балки дунёвий динлар орасида инсоният тараққиётига бевосита ва билвосита жуда катта таъсир кўрсатган мафкуравий асослигини таъкидлаб, дастлабки инсонларварлик ғоялари зардуштийлик динининг «Авесто» китобидан ўрни олганлигини асослайди. Сийийтмон Зардуштининг таълимоти бу ғояларни биринчи бўлиб илоҳийлаштирган, унинг асосий қондалари эса, кейинги динларнинг ақидавий ва ибодат қондаларига замири бўлганлигини назарда тутсақ, у ҳолда «Авесто» ғояларининг неча минг йиллардан бери инсонлар тақдирини белгилашда катта нуфузга эга бўлган.

Диссертацияда пайгамбар Зардуштининг дунёсининг пайдо бўлиши ва ундаги ҳаёт билан ўлим ўртасидаги кураши Ахура Мазда ва Аҳриман каби бир-бирига зид ва душман кучларга ажратиши, булар ўз тафаккури, сўзи ва ҳаракатларида яхшилик ва ёмонлик тимсоли эканликлари, улар бир-бири билан тўқнаш келиб, воқелик ва йўқликни яратиши, кимки Ёлгон (Аҳриман)га эргашса, уни энг ёмон нарсалар қарши олиши, кимки яхши йўлга (Ахура Мазда)га қадам қўйса, уни эзгулик кутиши ёритилган.

Диссертацияда барча эзгу борлиқ Ахура Мазда томонидан яратилганлиги, ҳар бир эзгу хилқатнинг ёвуз зидди эса Аҳриман томонидан яратилганлиги, ёвузлик руҳи Аҳриман ёмон ниятларини амалга ошира бориб, Ахура Мазда яратган моддий оламга маънавий зарар бериши, гайрининсоний ахлоқий бузуқликлар келтириб чиқариши ўрганилган. Бундай жоҳиллик ва гайрининсоний хатти-ҳаракатлар ҳамда гайришаърий ишларга қарши курашмоқ ва ёвуз ниятларни англаш учун Ахура Маздага бахшида маздапарастлик ақидаларини қабул қилиш лозим ҳисобланган. Зардуштининг фикрича, яхши эзгу ниятлар, умидбахш ва олижаноб фикрлар кишининг қалбидан жой олиши керак. Фақат шундагина одамлар хатти-ҳаракатларида ёмонлик ва жоҳиллик бўлмайди. Шунда кишиларнинг ҳаракатлари Ахура Мазда эзгу ниятлари билан кўшилиб, маънавий курашда ёвуз кучлар устидан ғолиб чиқади.

Диссертант «Авесто»да инсон соғлиғи ва ҳаётига қарши бўлган жиноятларни батафсил квалификация этилганлиги, шунга мос равишда жазо чоралари белгиланганлигини таъкидлайди. Қасддан ҳужум қилиш ёки жазава ҳолатида ҳужум қилиш, таҳдид қилиш, шифокорнинг зиён етказувчи ҳаракати, ҳомилани олиб ташлаш, ҳомиладорлик пайтида аёлнинг соғлиғига қарши жиноятлар шахсга қарши жиноятлар ҳисобланган.

Таъқиқот ишида шахсга қарши, унинг шахси, соғлиғи ва жонига қарши жиноятлар ҳамда уларга белгиланган жазолар таҳлил этилган. Қасддан содир этилган жиноят шахсининг онгли, иродавий ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳулқ-атворидан иборат хатти-ҳаракатлар ҳисобланган. «Авесто»да келтирилганидек, «кимда-ким бировни урмоқ қасдида отланса, унинг гуноҳи

«очрипта»дир»⁴. «Очирипта» – «олмоқ» маъносида. «Вандидод» таъбирича, бир кишини урмоқ қасдида қўлга қурол-аслаҳа олган шахс гуноҳи шундай деб юритилади.

